2013 ЙИЛ 7 ИЮНЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 112 (12.423)

Баҳоси эркин нархда

«УНИВЕРСИАДА – 2013» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадрли ўғил-қизларим!

Муҳтарам устоз ва мураббийлар, ҳурматли меҳмонлар!

Бугун униб-ўсиб, катта ният ва ишонч билан ҳаётга кириб келаётган сиз, азиз фарзандларимни Ўзбекистон ёшларининг ҳаётидаги улкан воқеа – ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами бўлмиш «Универсиада – 2013» ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ўлкамиздаги барча спорт мухлислари, миллионлаб ёшларимиз, бутун халқимизнинг диққат-эътиборини бугун ўзига тортаётган бу спорт байрамининг «Кўҳна ва боқий Бухоро» деб ном олган табаррук заминда ўтказилаётгани ушбу тантанага алоҳида маъно-мазмун ва кўтаринки руҳ бағишламоқда, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз «Универсиада» қатнашчилари!

Сизларнинг «Кичик Олимпиада» деб аталган мана шу нуфузли мусобақага қандай кескин кураш ва беллашувлар орқали етиб келганингиз, ўз олдингизга қўйган мақсад йўлида азму шижоат ва қатъият кўрсатиб, олий ўқув юртларида илму фан чўққиларини эгаллаш билан бирга, спорт майдонларида ҳам умидбахш натижаларга эришганингиз, мамлакатимизда ўтказиладиган спорт ўйинларининг энг юқори босқичи бўлган 2013 йилги «Универсиада» финалига чиққанингизнинг ўзи, ҳеч шубҳасиз, ҳар бирингиз ўзингиз танлаган спорт тури бўйича катта ютуқларни қўлга киритганингиздан гувоҳлик беради.

Албатта, бундай юксак марралар ва шохсупаларга кўтарилиш учун қанчақанча ҳаракат, қанча куч-қувват, ирода ва мардлик кераклигини ана шундай ҳолатларни бошидан кечирган ҳар қайси одам ўзига яхши тасаввур қилиши муқаррар.

Бу фикрларнинг тасдиғини қуйидаги рақам ва мисоллар яққол намойиш қилади.

«Универсиада» ўйинларининг саралаш босқичларида иштирок этган қарийб 138 минг талаба орасидан якуний босқичга 1020 нафар қатнашчининг етиб келгани бу мусобақаларнинг миқёси нақадар кенглиги ва уларнинг нечоғли қаттиқ курашлар асосида ўтганини кўрсатади.

Мамлакатимизда олтинчи бор ташкил этилаётган «Универсиада» беллашувларини юқори савияда, уюшқоқлик билан ўтказиш учун аввало жойларда, вилоят ва шаҳарларда зарур шароитлар яратилгани, жумладан, Бухоро шаҳрида ўнлаб муҳташам спорт саройлари ва мажмуалари бунёд этилгани, қарийб 93,5 миллиард сўм маблағ сарфланиб, катта ҳажмдаги қурилиш, реконструкция ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилганини инобатга оладиган бўлсак, ҳар уч йилда ўтказиладиган бу спорт байрамига давлатимиз ва жамиятимиз томонидан қандай улкан эътибор ва аҳамият берилаётгани янада яққол аён бўлади.

Буларнинг барчаси авваламбор сиз, азиз болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, вояга етаётган фарзандларимизнинг тараққий топган давлатлардаги тенгдошларидан кам бўлмаслиги, улар билан бемалол беллашувга тайёр бўлиши учун, лўнда қилиб айтганда, навқирон ёшларимизнинг халқимиз, Ўзбекистонимизнинг таянчи ва суянчи, биз интилаётган юксак марраларга етиш йўлида ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириши учун – ана шундай буюк мақсадларга эришиш учун амалга оширилаётганини тушуниш, англаш қийин эмас.

Қадрли фарзандларим!

Халқимиз, жамоатчилигимизга яхши таниш бўлган, ҳаммамизга куч-қувват бағишлайдиган, эртанги кунга ишонч туғдирадиган «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз!» деган олижаноб даъват барчамизни мана шундай гўзал ва бетакрор Ватанимизга меҳр қўйиб, ғурур ва ифтихор билан яшашга чорлайди.

Ҳозирги вақтда миллий спортимиз ифтихорига айланган Ришод Собиров, Аббос Атоев, Рустам Қосимжонов, Оқгул Омонмуродова, Светлана Радзивил, Севара Қодирова, Денис Истомин, Саида Искандарова, Вадим Меньков, Дилшод Мансуров каби ўнлаб истеъдодли ёшларимизнинг спорт оламидаги ютуқлари учун айнан «Универсиада» мусобақалари парвоз майдончаси бўлиб хизмат қилгани яхши маълум. Сизлар ҳам ана шундай моҳир спортчиларимизнинг изидан бориб, келажакда Ватанимиз байроғини жаҳон спорт майдонларида баланд кўтаришингизга барчамиз тилакдошмиз.

Ҳеч шубҳасиз, «Универсиада – 2013» беллашувлари эл-юртимизга хос бўлган ҳалоллик, мардлик ва ўзаро ҳурмат руҳида ўтади, қадимий Бухоро заминида яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг руҳи поклари сизларни қўллаб-қувватлайди, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга атаб юксак талабларга жавоб берадиган замонавий спорт мажмуаларини барпо этган қурувчи ва муҳандисларга, мутасадди ва ҳомий ташкилотларга, бағрикенг, меҳмондўст Бухоро аҳлига ўз номимдан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Азиз ўғил-қизларим!

Барчангизни бағримга босиб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ҳамиша ёр бўлишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Бухорода олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Универсиада – 2013» республика спорт ўйинлари бошланди

ЁШЛИК, БАРКАМОЛЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳри яна байрам оғушида. Шаҳар иккинчи маротаба ёшлик, баркамоллик, шижоат ва гўзаллик байрами – Универсиада мусобақаларига мезбонлик қилмоқда.

«Бухоро» марказий стадионида «Универсиада – 2013» республика спорт мусобақаларининг чорлов садолари янграйди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари саф тортади.

Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи М.Эсонов Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада – 2013» спорт ўйинларини очиқ, деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Универсиада – 2013» спорт ўйинлари иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи кўтарилди.

Универсиада байроғи кўтарилди.

Спортчи ёшлар бўлажак мусобақаларда ҳалол, муросасиз ва мардона кураш олиб бориш ҳақида тантанали сўз бердилар.

Соғлом ва баркамол авлод мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини, турмушимиз ободлигини таъминловчи қудратли кучдир. Шу боис ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук этиб тарбиялашга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан жорий этилган ва янги педагогик технология сифатида кўплаб давлатларда катта қизиқиш билан ўрганилаётган таълим соҳасидаги уч босқичли спорт ўйинлари – умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», коллеж ва лицейлар ёшлари ўртасидаги «Баркамол авлод» ва олий ўқув юртлари талабаларининг Универсиада мусобақалари ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз терма жамоаларига иқтидорли спортчиларни тарбиялаш, олимпиячилар заҳирасини мустаҳкамлаш, ёш иқтидор эгаларига катта спорт сари кенг йўл очишда мазкур тизим муҳим аҳамият касб этаётир. «Умид ниҳоллари»да илк маротаба катта мусобақа ҳавосини олган ёшлар «Баркамол авлод» ўйинларида тажриба ва маҳоратини оширмоқда. Универсиада беллашувларида етук спортчи сифатида шаклланиб, катта спорт майдонларида давлатимиз байроғини баланд кўтармоқда.

Мамлакатимиз талабаларининг 2000 йилда Наманган шаҳрида бўлиб ўтган илк Универсиадасида спортнинг 9 тури бўйича 1712 нафар талаба иштирок этган эди. Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Андижон шаҳарлари мезбонлик қилган кейинги Универсиадаларда ёшларнинг маҳорати ва иқтидори ошиб, иқтидорли спортчилар сафи кенгайиб бораётгани намоён бўлди.

Бу нафақат иштирокчилар сонининг кўпайганида, айни пайтда беллашувлар кескин ва муросасиз ўтишида, медаллар сонининг ортганида, спортчилар кўрсаткич ва рекордларининг йилдан-йилга ошиб бораётганида ҳам яққол кўзга ташланади.

Бокс, эркин ва юнон-рум кураши, дзюдо, шахмат, бадиий гимнастика, оғир атлетика, теннис бўйича яратилган ўзбек спорт мактабларини бутун дунё эътироф этмоқда.

Дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон Олимпиадалари совриндори Ришод Собиров, жаҳон чемпионати совриндори Дилшод Қориев, ўзбек қизлари ўртасида биринчи халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова, Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори, ФИДЕ устаси Нодира Нодиржонова, белбоғли кураш бўйича уч карра жаҳон чемпиони Рустам Умаров, енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Светлана Радзивил, Осиё ўйинлари ғолибаси Юлия Тарасова, сузиш бўйича кўпкарра рекордчилар – Раъно Омонова, Юлдуз Қўчқорова, ўсмирлар ўртасида қитъа чемпионатида ғолиб чиққан бадиий гимнастикачи Азиза Мамажонова каби йигит-қизлар ана шу уч босқичли тизим орқали катта спортга қадам қўйган.

Ўзбекистон спортининг халқаро майдондаги нуфузи юксалаётгани юртимизда жисмоний тарбияни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларда замонавий спорт иншоотларини барпо этиш вазифаси давлат сиёсати даражасига кўтарилгани билан чамбарчас боғлиқ. Бу жараёнда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти айниқса самарали бўлмоқда. Жамғарма томонидан ўн йилда 1113 болалар спорти объекти қурилди, фаолият кўрсатаётган 262 спорт иншооти реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Спорт билан мунтазам шуғулланаётган болалар сони 1 миллион 800 минг нафардан ошди. Бу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан 1,4 баробар кўпдир.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслар маркази томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Келажак овози» республика кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 600 нафардан зиёд йигит-қиз иштирок этди. Улар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар, тасвирий ва амалий санъат, бадиий ижод ва публицистика номинациялари бўйича ўз қобилиятини намойиш этди.

● «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари, Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ташкил этилган «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи якунланди.

● Хоразм вилоятида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ички ишлар бўлимларининг профилактик ҳисобида турган ёшлар ўртасида «Қувноқ шунқорлар» мусобақаси ташкил этилди. «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, вилоят прокуратураси, ички ишлар, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими бошқармалари билан ҳамкорликда ташкил этилган мусобақада ёшлар спортнинг футбол, стол ва катта теннис, югуриш, шашка ва шахмат турлари бўйича беллашди.

● «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг ижроси доирасида Жиззах шаҳри ҳокимлиги томонидан «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида шаҳардаги 11 саноат корхонаси 742 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмарка доирасида иштирокчилар шаҳарда барпо этилган янги «JizzaxPlasteks» корхонасидаги меҳнат шароити билан танишди.

ЖАҲОНДА

● Лондонда ўтказилган Sotheby`s кимошди савдосида Эронда тўқилган ноёб гилам салкам 34 миллион долларга сотилди. Шу тариқа Лондондаги Christie`s аукционида 2010 йилда Эрон гиламининг юқори нархда сотилиши бўйича ўрнатилган рекорд даражадан деярли уч баравар ўзиб кетилди.

● Филадельфияда кўп қаватли уйнинг қулаб тушиши натижасида ҳалок бўлганлар сони олти кишига етди.

● Босния ва Герцеговинанинг конституциявий суди коррупцияга доир жиноятларда айбланаётган мамлакатнинг собиқ президенти Живко Будимирни озодликка чиқариш ҳақида ҳукм чиқарди.

● Таиланд суди қирқ саккиз ёшли италиялик журналист Фабио Поленти Бангкокда бўлиб ўтган ҳарбийлар ва ҳукуматга қарши кучлар намойишида рўй берган тўқнашув чоғида отиб ўлдирилганлиги фактини тан олди.

● Мисрнинг Хургади шаҳри суди Қизил денгиз орқали мамлакатга марихуана гиёҳвандлик моддаси туркумини олиб киришга уриниш учун беш нафар хорижлик фуқароларни ўлим жазосига ҳукм қилди.

Бадиий гимнастика

ЎЗБЕК ГИМНАСТИКАЧИЛАРИ – ШОҲСУПАДА

Мамлакатимиз гимнастикачилари пойтахтимизда давом этаётган «Happy Caravan» халқаро турнирининг гуруҳ кўпкураш баҳсларида олтин ва бронза медалларни қўлга киритди.

Терма жамоамизнинг Фарангиз Аҳмедова, Комила Рустамова, Гўзал Раиманова, Сабрина Рамазонова, Карина Тоғаева ва Ирина Салеҳдан иборат гуруҳи ҳалқа ўйнатиш бўйича 14,65 балл, булавада 15,5 балл тўплаб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

– Бизни қўллаб-қувватлаб турган мухлису мутахассислар ишончини оқлаганимиздан бахтиёрмиз, – деди Ф.Аҳмедова. – Мақсадимиз келажакда қитъа ва жаҳон чемпионатларида, Осиё ва Олимпия ўйинларида ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишдир.

Спортчиларимиз шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, миллий мадҳиямиз янгради.

Қозоғистонлик спортчилар кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, Нозима Собирхонова, Самира Амирова, Диана Орехина-Рижина, Екатерина Сабристова, Даяна Эргашева ва Алина Қосимовадан иборат яна бир гуруҳимиз кучли учликдан жой олди.

Халқаро турнирнинг жамоавий баҳсларида Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи ўринни эгаллади. Қоидага биноан, совринли ўринлар ҳар бир жамоа спортчиларининг ҳалқа, тўп, булава ва тасмада бажарган композициялари бўйича жамғарган балларига кўра аниқланди.

Терма жамоамиз аъзоларидан Равиля Фархуддинова, Комила Саидхонова, Нилуфар Шомуродова ва Анора Давлатовага кумуш медаль топширилди.

Россиялик гимнастикачилар олтин медални қўлга киритган бўлса, қозоғистонлик спортчилар бронза медалга лойиқ топилди.

– Тошкентнинг миллий ва замонавий қиёфаси, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, олижаноблиги таҳсинга лойиқ, – дейди ЎзА мухбирига Ҳиндистон терма жамоаси мураббияси Савита Маратэ. – Ўзбекистонда бадиий гимнастикани ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самарасини ушбу халқаро турнир мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон гимнастика мактабидан ўрганадиган жиҳатларимиз кўп.

Байрам АЙТМУРОДОВ

Сарвар Урмонов (ЎзА) олган сурат

6 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қонунчилик палатасининг Кенгаши таклиф этган кун тартиби тасдиқлангандан кейин депутатлар иккинчи ўқишда бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИККИНЧИ ЎҚИШДА КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Қонунчилик палатасининг мажлиси ҳамда ундан олдин ўтказилган Қонунчилик палатаси Кенгаши, сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳининг йиғилишлари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун талаблари ҳамда яқинда унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида ташкил этилди.

Бу, биринчи навбатда, сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи ўз йиғилишларида қонун лойиҳасининг дастлабки тарздаги ҳар томонлама муҳокамалари якунлари бўйича фикр-мулоҳазалари ва таклифларини масъул қўмитага тақдим этганлигига тааллуқлидир. Қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқиш чоғида маърузачилар тегишли қонун лойиҳалари юзасидан сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Экоҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини баён этдилар. Бунда қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда кўриб чиқиш чоғида масъул қўмита томонидан маъқулланган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ҳам, маъқулланмаганлари ҳам муҳокама қилинганлигини қайд этиш муҳимдир.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси депутатлар корпусининг алоҳида эътиборини тортди. Бу қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларга нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик чораларини либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилганлиги билан боғлиқдир.

Чунончи, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Хўжалик процессуал, Божхона, Солиқ кодексларига ва мамлакатимизнинг бошқа қонун ҳужжатларига тузатишлар киритилмоқда.

ЎзЛиДеП фракцияси вакилларининг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» деб номланган маърузасида кўрсатиб ўтилган 2013 йилдаги иқтисодий дастурларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишга кўмаклашиш ва унда фаол иштирок этиш – жорий йилда партия ўз олдига қўйган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. ЎзЛиДеП мамлакатимизда яратилган ишбилармонлик муҳитининг ҳолати қулай инвестиция муҳитининг муҳим таркибий қисмидир, деган қатъий нуқтаи назарга амал қилади.

Бу йўналишда ЎзЛиДеП фракцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини қонунчилик жиҳатидан таъминлашга алоҳида эътибор қаратди.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони талабларини амалга ошириш мақсадида қонун лойиҳасида юридик шахслар учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш билан боғлиқ бўлмаган молиявий санкцияларни бекор қилиш, айни бир вақтнинг ўзида такрорий қоидабузарлик учун хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини икки баравар ошириш, шунингдек, божхона назоратининг охирги муддатини уч йил билан чеклаш ҳамда товарлар божхона тозаловидан ўтказилган вақтдан бошлаб бир йил ўтганидан кейин божхона тўловларини қўшиб ҳисоблашни тақиқлашни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Қонун лойиҳасидаги мазкур ва бошқа янгиликлар ЎзЛиДеП электорати манфаатларига тўлиқ жавоб беради. Чунки тадбиркорлик эркинлигини ва мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашни қонуний жиҳатдан таъминлайди.

ЎзХДП фракцияси вакиллари қонун лойиҳаси ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун давлат ҳокимияти органларининг жойларда иш ўринлари ташкил этишга доир қарорларини бажармаганлик учун жавобгарликни, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий маълумот олган ёки касбий тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтишга, малака оширишга юборилган, илгари маълум қилинган шахсларни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда жавобгарликни кучайтиришга эътибор қаратдилар.

Қонуннинг бу талаблари бажарилмаган тақдирда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳам қонун лойиҳасида белгилаб қўйилмоқда. Хусусан, ушбу қонун лойиҳасига мувофиқ бўш иш ўринлари мавжуд бўлганда меҳнат бўйича маҳаллий органлар йўлланмасига эга шахсни ишга қабул қилишни асоссиз рад қилганлик мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача жарима солинишига сабаб бўлади.

Иқтисодий хавфсизликни мустаҳкамлаш аҳоли турмуш даражасини амалда ва жиддий равишда оширишнинг асосий омили сифатида партия сиёсатининг стратегик вазифаларидан биридир, деб ҳисоблайди Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси. Мазкур қонун лойиҳаси бўйича киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга, товар ишлаб чиқарувчиларнинг товарлар ва хизматлар сифати учун, яроқлилик муддати тугаган товарларни яроқлилик муддатини кўрсатмай реализация қилганлик ва сотганлик учун жавобгарлигини оширишга қаратилган.

Ушбу фракциянинг фикрича, белгиланаётган кучайтирилган жавобгарлик чоралари маъмурий жазо қўлланганидан кейин бир йил давомида мансабдор шахслар томонидан маҳаллий истеъмолчига ва жамиятга улкан зарар етказадиган тегишли маъмурий қоидабузарлик содир этилишигагина тааллуқлидир.

Умуман олганда, фракция қонун лойиҳасида назарда тутилган тайёрловчиларнинг (бажарувчилар, сотувчиларнинг), яъни юридик шахсларнинг молиявий жавобгарлиги чораларини бекор қилиш нормаларини аниқлаштириш тарафдоридир. Қонун лойиҳасида мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини ошириш таклиф этилмоқда. Бу тегишли юридик шахсларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари жавобгарлигини кучайтиришга кўмаклашади.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси қонун лойиҳаси халқ фаровонлигини янада яхшилашга, ногиронларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади, деган нуқтаи назарга асосланди. Чунончи, қонун лойиҳаси ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларидан (турар жойлар, жамоат ва ишлаб чиқариш бинолари, иморатлар ва иншоотлар, соғлиқни сақлаш ва спорт объектлари, маданий-кўнгилочар ва бошқа муассасалардан) тўсқинликсиз фойдаланишини таъминлаш бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликни кучайтиради. Буларнинг барчаси партиянинг «Қонунлар устувор жойда адолат бўлади», деган шиорига тўлиқ жавоб беради.

Экоҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи аъзоларининг фикрича, қонун лойиҳасида қонун ҳужжатларини бузганлик учун бутун ташкилот эмас, балки аниқ айбдор мансабдор шахслар жавоб беришини назарда тутадиган адолатлироқ тартиб жорий этилмоқда. Бу тадбиркорлик субъектларига ташкилотлар мансабдор шахсларининг айби билан жарималар тўлаш тарзидаги ортиқча сарф-харажатлар қилишнинг олдини олиш, шу билан юридик шахслар мулкдорларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконини беради. Бунда мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги оширилмоқда ва юридик шахсларга ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чоралари (фаолиятни, лицензияни тўхтатиб қўйиш, тугатиш ва ҳоказолар) сақлаб қолинмоқда.

Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида божхона назоратининг охирги муддатини уч йил билан чеклайдиган ҳамда товарлар ишлаб чиқарилган вақтдан бошлаб бир йил ўтганидан кейин божхона тўловларини қўшиб ҳисоблашни тақиқлайдиган норма жорий этиш назарда тутилган. «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунидан реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тегишинча равишда бузганлик учун реклама берувчилар, реклама ишлаб чиқарувчилар ва тарқатувчиларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги нормаларни чиқариб ташлаш таклиф этилмоқда.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлда қабул қилинган «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган «Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ҳамда аттестациядан ўтказиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Ҳужжатда умумқабул қилинган халқаро талаблар ва андозаларга мувофиқ диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий этиш назарда тутилмоқда. Шу муносабат билан қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва Уй-жой кодексларидан, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги қонунлардан, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан «аспирантура» тушунчасини чиқариб ташлаш, «докторантура» тушунчасини эса «катта илмий ходим-изланувчилар институти» тушунчаси билан, «илмий даражалар» тушунчасини – «илмий даража» тушунчаси билан алмаштириш таклиф этилмоқда.

Инсон ҳаёти ва соғлиғи, юридик, жисмоний шахслар ҳамда давлатнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминлашга, табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, маҳсулотлар, ишлаб чиқариш жараёнлари, хизматлар, менежмент тизимлари, ходимларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлашга қаратилган «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кун тартибидаги кейинги масала бўлди.

Мувофиқликни баҳолашнинг асосий вазифалари ички ва ташқи бозорларда маҳсулотлар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш, халқаро иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдода иштирок этиш, савдодаги техникавий тўсиқларни бартараф қилишдан иборат.

Мазкур қонун лойиҳалари ҳар томонлама моддама-модда муҳокама қилинганидан кейин Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди. Қонун лойиҳаларини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари саволлар ҳамда таклифлар билан сўзга чиқдилар.

Бугун депутатлар ўз ишини давом эттиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

ЭКОЛОГИЯ — ЁШЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Экологик ҳаракатида атроф-муҳитни муҳофаза қилишда аҳоли, айниқса, ёшларнинг экологик маданиятини янада юксалтириш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б.Алихонов экологик муаммоларнинг олдини олиш ва барқарор ривожланишга эришишда аҳолининг бу борадаги маданиятини юксалтириш, ёш авлодда табиатга эҳтиёткорона муносабатни шакллантириш муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати бу йўналишда тегишли давлат, нодавлат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг қамровли тадбирларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Бадиий академия, Давлат табиат музейи, «Тонг юлдузи» газетаси таҳририяти билан ҳамкорликда ўқувчилар ўртасида «Экология – ёшлар нигоҳида» мавзусида ўтказилаётган иншолар ва расмлар танлови ана шундай лойиҳалардан биридир. Бундан кўзланган мақсад экологик таълимни ривожлантириш, ёшларни табиатга эҳтиром руҳида тарбиялашдан иборат.

Жорий йил ушбу танловга ўқувчи ёшлар томонидан юзлаб иншо ва расмлар тақдим этилди. Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Шермуҳаммад Деҳқонов иншо, Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 109-мактаб ўқувчиси Фотима Жўрабоева расмлар танловида бош соврин соҳиби бўлди.

Тадбирда танлов ғолиблари ва совриндорларига эсдалик совғалари топширилди.

Таълим

ЯНГИ МАЪРИФИЙ ДАСТУР

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ташхис маркази мутахассислари томонидан 9-синфни тугатаётган ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш юзасидан янги дастур ишлаб чиқилди.

Марказнинг tashxis.uz сайтига жойлаштирилган мазкур янги дастурда жорий йилда умумтаълим мактабларининг 9-синфини тугатаётган 533 минг 658 нафар ўқувчи ва уларнинг қайси академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида ўқиш истагини билдирганлиги ҳақида барча маълумот жойлаштирилган. Шунингдек, дастур орқали ота-оналар мамлакатимиздаги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, улардаги йўналишлар билан яқиндан танишиши мумкин.

Дастур 9-синфни тугатаётган ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига қамраб олишни мониторинг қилишда ортиқча вақт ва қоғозбозликнинг олдини олади. Уч қисмдан иборат дастурдаги маълумотлар асосида ёшларнинг муайян йўналиш ва мутахассисликка бўлган қизиқишининг нечоғли юқорилиги ёки камлигини аниқлаш мумкин. Бу таҳлилий маълумотлар келгусида янги иш ўринларини яратиш ва иқтисодиётнинг реал секторларини ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ — БОЛАЛАРГА

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан Тошкентдаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Касаба уюшмалари – болаларга» тадбири ўтказилди.

Унга кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари ҳамда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари таклиф этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг ёзги таътилини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда мамлакатимиздаги мингдан зиёд болалар оромгоҳида 270 мингдан ортиқ ўғил-қиз ҳордиқ чиқаради. Бу жараёнга Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, имконияти чекланган болалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан ўқувчиларни қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан ўтказилаётган «Касаба уюшмалари – болаларга» анъанавий акциясидан кўзланган асосий мақсад алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, кам таъминланган оилалар фарзандларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Мазкур акциянинг илк босқичида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига соғломлаштириш оромгоҳларига бепул йўлланмалар, кам таъминланган оилалар фарзандларига совғалар, истироҳат боғлари, театрларга бепул чипталар берилди.

Акция давомида имконияти чекланган болаларнинг онаси билан даволаниши учун санаторийларга йўлланмалар топширилди, қарийб саккиз минг нафар бола тарихий шаҳарлар, музейлар, театрлар, санъат саройларида ўтказилган маданий-бадиий дастурларда иштирок этди. 140 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандларига ўқув қуроллари, бадиий адабиётлар, кийим-кечакдан иборат совғалар топширилди. Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Хўжайли туманидаги 1-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига компьютер жамланмалари, кийим-кечаклар туҳфа қилинди.

Ижтимоий акция доирасидаги тадбирлар давом этмоқда.

(ЎзА)

ЁШЛИК, БАРКАМОЛЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, спорт ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга танитишнинг, унинг салоҳиятини намоён этиш, ғурур ва ифтихорини юксалтиришнинг энг самарали ва таъсирчан воситасидир. Инсоннинг шахс сифатида камол топишида, унда кучли ирода, ғалабага интилиш, қийинчиликларни енгиш руҳини тарбиялашда, қалби ва онгига ватанпарварлик туйғуларини сингдиришда спортнинг аҳамияти беқиёс. Болалар спорти – ўзбек спортининг келажаги, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишнинг мустаҳкам пойдеворидир.

...Стадионга сокинлик чўмади. Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтининг қуёш ўчоғидан аланга олдирилган машъалани кўтарган йигит ва қиз майдонга кириб келади.

«Универсиада – 2013» республика спорт ўйинлари машъаласи порлай бошлайди. Машъалани дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон Олимпиадалари совриндори, «Универсиада – 2010» ғолиби Ришод Собиров ва бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпиони, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати Ҳусниябону Ғуломова ёқди.

Бу аланга ёшларимизнинг беғубор интилишлари, Ўзбекистон халқининг озодлик ва истиқлол ғояларига содиқлиги рамзи сифатида олий ўқув юртлари талабаларининг «Универсиада – 2013» мусобақалари давомида порлаб туради.

Халқаро спорт мутахассислари томонидан «Кичик Олимпиада» деб эътироф этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими мусобақалари Олимпия ўйинлари қоида ва талаблари асосида ўтказилади. Универсиада мусобақалари бу йил ҳам 12 спорт тури – баскетбол, волейбол, қураш, белбоғли қураш, дзюдо, енгил атлетика, теннис, стол тенниси, футбол, гандбол, шахмат ва сузиш бўйича ташкил этилмоқда. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудида ўтган кўп босқичли саралаш мусобақаларида ғолиб чиққан йигит-қизлардан таркиб топган 14 терма жамоа қатнашмоқда. Қувонарлиси, уларнинг аксарияти спорт билан мунтазам шуғулланиб, «Умид ниҳоллари» ва «Баркамол авлод» спорт ўйинларида тажриба ва маҳоратини оширган ёшлардир.

Шаҳару қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳолининг ҳаёт даражасини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар Бухоро вилоятида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 2010 йилда барпо этилган «Бухоро маданий маркази» шаҳарга ташриф буюрган меҳмонларнинг зиёратгоҳига айланди. 107 гектарли бу сўлим масканда вилоят мусиқали драма театрининг янги муҳташам биноси, амфитеатр ҳамда «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи қад ростлаган. Мазкур обиданинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда оила муқаддас, инсон ҳамиша ўзидан эзгу ном қолдириши керак, деган чуқур фалсафий ғоя мужассам. Монумент ёшларни улар қандай буюк зотларнинг авлоди эканини теран англашга, ота-боболаримизга муносиб фарзанд бўлишга ундаши билан ҳам аҳамиятлидир.

Вилоятда Универсиадага катта тайёргарлик кўрилди. Улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими ўтказилган «Бухоро» спорт мажмуаси қайта таъмирланди, мажмуа стадионига жаҳон талабларига жавоб берадиган йирик ҳажмли электрон табло ва замонавий ёритгичлар ўрнатилди, трибуна ўриндиқлари ва югуриш йўлаклари қопламалари янгиланди.

Бухоро давлат университети ҳамда Муҳандислик-технология институтида янги замонавий спорт зали қурилди. У ердаги футбол, волейбол, баскетбол ва гандбол майдонлари капитал таъмирдан чиқарилиб, ўзига хос спорт маркази барпо этилди. «Дилкушо» теннис кортлари, «Семурғ» ва «Ҳумо» спорт мажмуалари, Бухоро олимпия заҳиралари ҳамда Нефтьгаз коллежлари спорт заллари ҳам тўла таъмирланиб, зарур спорт инвентарлари билан жиҳозланди.

Муҳаммад-Амин Тоҳир Истатов (ЎзА) олган суратлар

Шаҳар кўчалари ва хиёбонлари ободонлаштирилди. Мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлари яшайдиган талабалар турар жойлари ва меҳмонхоналарда барча зарур шароит яратилди. Бухоро халқаро аэропорти ва темир йўл вокзалида кенг кўламли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

...Стадионга ёш спортчилар, рақкосалар, таниқли эстрада хонандалари кириб келади. Ранго-ранг безаклар, турфа чироқлар байрамга ўзгача файз ва тароват бахш этади. Майдон узра таралаётган шўх мусиқа ёшларни рақсга чорлайди, тантанавор руҳ қалбларига кўчади. Ёшлик ва спорт, гўзаллик ва эзгулик байрами бошланади.

«Универсиада – 2013» беллашувларининг финал босқичи қатнашчилари учун қизиқарли ва кўнгилочар тадбирларга бой катта маданий дастур ҳам тайёрланган. Унда таниқли спортчилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат намояндалари билан учрашувлар, қадимий шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар, турли шоу-концертлар ўтказиш кўзда тутилган.

«Универсиада – 2013» спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими катта концерт дастури билан якунланди.

Спорт байрамининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Зохир ТОШХЎЖАЕВ,
Эркин ЁДГОРОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 10

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 «Кўнгил қўшиқ истайди».
7.20 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган совчи».
8.00 «Тахлилнома».
8.40 «Даниэл Деронда». Т/с.
9.30 «Она замин иниомлари».
9.40 «Саломатлик дастури».
9.55 «Сарой жавохири». Т/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Ватанпарвар».
11.55 «Иқлим».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Кўнгил қўшиқ истайди».
13.05 «Елғиз кабутар»га қайтиш». Т/с.
13.50 «Юртим таровати».
14.00 «Ахборот».
14.15 «Ҳидоят сари».
14.35 «Иқлим».
14.40 «Неча қилсанг тарбият».
15.00 Ўзбек киноси: «Мафтунингман».
16.20 «Нақшлар камалаги».
16.30 «Тараққиёт дастури».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Эл тинчлиги йўлида».
17.25 «Ифтихор».
17.30 «Эркин фикр».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Кўнгил қўшиқ истайди».
18.15 «Қорачиқ».
18.35 «ТВ – шифокор».
18.40 «Елғиз кабутар»га қайтиш». Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Навоий бўстонидан».
20.10 «Меҳмонхона хўжайини». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Муносабат».
22.10 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.25 «Сарой жавохири». Т/с.
23.30 «Иқлим».
23.35 – 00.00 «Яшил хазина». Ҳ/ф.
00.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «Қорачиқ».
00.25 «Кўнгир айиқ изидан».
00.55 «Ифтихор».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 ТелеТеатр: «Чимилдиқ». 1-қисм.
2.10 «Ватанпарвар».
2.50 «Она замин иниомлари».
3.00 «Шарқ тароналари».
3.10 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.40 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган совчи».
5.20 «Саломатлик дастури».
5.35 «Иқлим».
5.40 – 5.55 «Нақшлар камалаги».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Таранним».
7.00 «Кўшимча дарс».
7.30 «Мультипанорама».
8.00 «Севишганлар». Т/с.
8.40 «Ёшлик наволари».
9.00 «Таътил тухфаси».
9.50 «Ўзбек адабиёти».
10.00 «Камолот-инфо».
10.10 «Янги Шерлок Холмс». Т/с.
11.00 «Болалар табассуми».
11.10 «Таътил саргузаштлари». Т/с.
11.40 «Ўтмиш хиёбони». Ҳ/с.
12.10 «Нозик лаҳзалар». Т/с.
13.00 «Давр».
13.10 «Ҳикоя».
13.30 «Йўл-йўлакай».
14.00 «Аскар». Т/с.
14.50 «Ёшлик наволари».
15.10 «Коломбо». Т/с.
16.00 «Давр».
16.10 «Доктор Куинн». Т/с.
17.00 «Камолот-инфо».
17.10 «Зулфия издошлари».
17.30 «Жоним фидо». Б/ф. 1-қисм.
19.00 «Давр».
19.30 «Фил ва малика». Т/с.
20.20 «Эртакчи болажонлар».
20.40 «Ёшлик наволари».
21.10 «Аскар». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Янги Шерлок Холмс». Т/с.
23.20 «Ёшлик наволари».
23.40 «Жаҳон мусиқаси».
00.20 «Мўъжизавий дунё».
1.10 «Коломбо». Т/с.
2.00 «Давр».
2.30 «Фил ва малика». Т/с.
3.20 «Миллий мерос».
3.40 «Ўтмиш хиёбони». Ҳ/с.
4.10 «Жоним фидо». Б/ф. 1-қисм.
5.30 – 6.00 «Қалпоқ».

Тошкент

6.00 «Мадҳия».
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Ғазал гулшани».
6.20 «Ҳаёт-мамот». Т/с. 81-қисм.
7.00 «Салом, Тошкент!»
8.00 Тошкент тароналари.
8.15 «Донолар бисотидан».
8.20 «Интеллектуал аукцион».
8.30 «Пойтахт».
8.50 «Саргузаштлар ороли».
9.15 «Камер оркестрининг концерти».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Анонс».
9.45 «Мулоҳаза учун мавзу».
10.15 «Интервью».
10.25 «Ўйларим».
10.30 «Пойтахт». /Рус тилида/.
10.40 «Анонс».
10.45 «Мактабда бир кун».
11.05 «Велосипед». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55 «Бизнес-пойтахт».
15.00 «Пойтахт».
15.15 «Анонс».
15.20 «Мисли гавҳар».
15.35 «Таянч нуқтаси».
16.00 «Анонс».
16.05 «Ёз ифори». Т/с. 4-қисм.
16.30 Тошкент тароналари.
16.45 Мультсериал: «Флиппер ва Лопака». 7-қисм.
17.10 «Келинг менинг дўстларим». /Инглиз тилида/.
17.25 «Эко-пойтахт».
17.35 «Пойтахт йўлларида».
17.55 «Анонс».
18.00 «Пойтахт».
18.25 «Интеллектуал аукцион».
18.35 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 29-қисм.
19.05 «Интервью».
19.15 «Карвонсарой».
19.25 Тошкент тароналари.
19.40 «Теле-маркет».
20.00 «Пойтахт».
20.25 «Анонс».
20.30 «Репортаж».
20.45 «Маърифат фидойилари».
21.05 «Ўйларим».
21.15 Тошкент тароналари.
21.30 «Теле-маркет».
21.50 «Ҳаёт-мамот». Т/с. 82-қисм.
22.30 «Пойтахт». /Рус тилида/.
22.50 «Кино SMS». /Рус тилида/.
22.55 «Йўқолган омад». Б/ф. /Рус тилида/.(Поцелуй на удачу)
00.30 Кўрсатувлар тартиби.
00.35 «Адолат мезони».
00.50 «Фаришта кўзлар». Б/ф. /Рус тилида/(Глаза ангела)
2.25 «Анонс».
2.30 «Ўйларим».
2.35 «Бизнес-пойтахт».
2.40 Ҳинд киноси: «Мехрибонгинам». Б/ф. 1-2 қисмлар.
5.00 – 6.00 «Салом, Тошкент!»

Спорт

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Саломат бўлинг!»
6.30 АНОНС.
6.35 «Жасур болалар».
7.05 АНОНС.
7.10 «Маҳорат мактаби».
7.25 Болалар майдончаси: Тонгги гимнастика. «Спортландия». Мультфильм.
7.55 АНОНС.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.40 «Саломат бўлинг!»
9.00 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Бразилия – Франция.
10.40 «Мухлисингман, спорт!»
11.10 АНОНС.
11.15 Интерфутбол.
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.00 ХАБАРЛАР.
13.10 Болалар майдончаси: «Спортландия». Мультфильм.
13.35 «Ринг қироллари».
14.20 «Универсиада-2013» ўйинларида.
16.15 «Халқ ўйинлари».
16.25 Теннис. «Роланд Гаррос» турнири. Эркаклар. Финал.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар майдончаси: «Спортландия». Мультфильм.
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 «Универсиада-2013» ўйинларида.
20.35 АНОНС.
20.40 «Футбол шарҳи».
21.25 АНОНС.
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 АНОНС.
22.25 АНОНС.
22.30 Интерфутбол.
00.10 Волейбол. Volley Masters кубоги.
1.25 АНОНС.
1.30 Хабарлар.
1.50 Велоспорт.
2.35 АНОНС.
2.40 « Мавсумнинг энг яхши ўйинлари»: Футбол. Осиё чемпионлар лигаси. «Пахтакор» (Ўзбекистон) – «Ал Иттифоқ» (Саудия Арабистони)
4.20 – 5.50 Теннис. «Роланд Гаррос» турнири. Финал.

ntt

05:30 «Янги кун наволари» дастури
06:10 «Мозийдан садо» дастури
06:30 «Буни ҳаёт дейдилар»
07:00 «Forum news» кўрсатуви
07:20 «Бизнес-промо»
07:30 «Қалб жавоҳири» т/с (25-қисм)
08:00 «Парламент соати» ахборот-таҳлилий дастури
08:20 «Мусиқа вақти» дастури
08:30 «Олам ва одам» ҳужжатли фильм
09:00 «Hudud.uz: Yangi avlod»
09:10 Мультсериал: «Панда кунг-фу: ғаройиб афсоналар» м/ф (25-қисм)
09:35 Болалар телесериали: «Магна Аура» т/с (15-қисм)
10:00 «Газеталар шарҳи»
10:10 «Муҳаббат девори» б/ф
11:45 «Мусиқа вақти» дастури
12:00 «Hudud.uz:Jahon»
12:10 «Ўй бекаси» т/с (25-қисм)
12:45 «IT-NEWS» дастури
13:00 «Hudud.uz»
13:10 «Ҳеч қачон йўқ дема» б/ф
15:00 «Forum news» кўрсатуви
15:15 «Ҳайрат лаҳзалари» ҳ/ф
15:30 «Hudud.uz:Sport xabarlari»
15:40 «Мусиқа вақти» дастури
16:00 «Hudud.uz»
16:10 «Айрис-2» т/с (25-қисм)
16:45 «Бизнес-промо»
17:00 «Газеталар шарҳи»
17:10 «Хазина» телешоувикторинаси
18:00 «Янги авлод» студияси намойиш этади
18:10 Мультсериал: «Панда кунг-фу: ғаройиб афсоналар» м/ф (26-қисм)
18:30 Премьера: Болалар телесериали: «Меддиганлар саргузаштлари» т/с (1-қисм)
18:50 «Бизнес-промо»
19:00 «Қалб жавоҳири» т/с (26-қисм)
19:30 «Hudud.uz:Jahon»
19:40 «Мусиқа вақти» дастури
19:50 «Ўй бекаси» т/с (26-қисм)
20:30 «Ҳудуд» ахборот-таҳлилий дастури
20:50 «Бизнес репорт» иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 «Чой устида» кўрсатуви
21:30 «Hudud.uz:Jahon»
21:45 Премьера: «Сўслар» б/ф
23:30 «Hudud.uz:Sport xabarlari»
23:35 «Айрис-2» т/с (26-қисм)
00:00 «Мусиқа вақти» дастури
00:15 «Ғаройиб одамлар» ҳ/ф
00:30 Тунги кинозал: «Илон ҳужуми» б/ф
02:30 «Юлдузлар ёғдуси» дастури
03:30 Тунингиз хайрли бўлсин!

Первый канал

04.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро»
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости
09.05 «Жить здорово!»
10.05 Модный приговор
11.15 Контрольная закупка
11.40 «Время обедать!»
12.10 «Доброго здоровьица!»
13.00 Другие новости
13.25, 17.40 Понять. Простить
14.15 «Непутевые заметки»
14.30 Сериал «Проспект Бразилии»
16.10 «Я подаю на развод»
17.00 Вечерние новости
18.05 «Давай поженимся!»
19.00 «Пусть говорят»
20.00 «Время»
20.30, 02.05 Сериал «Защита свидетелей»
22.15 «Вечерний Ургант»
22.55 «Познер»
23.50 Ночные новости
00.05 Худ. фильм «Егор Булычов и другие»

Россия

04.00 Утро России
08.00 «1000 мелочей». Ток-шоу
08.45 «О самом главном». Ток-шоу
09.30 «Кулагин и партнеры»
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести
10.30, 13.30, 16.10, 18.40 Вести-Москва
10.50, 13.50, 03.45 Вести. Дежурная часть
11.00 Сериал «Тайны следствия»
12.00 «Дело Х. Следствие продолжается». Ток-шоу
14.00 Сериал «Тайны института благородных девиц»
15.00, 16.30 Сериал «Поцелуйте невесту!»
17.30 «Прямой эфир»
19.50 Спокойной ночи, малыши!
20.00 Сериал «Точка взрыва»
23.30 «Девчата»
00.10 Вести +
00.35 Худ. фильм «40 000 футов»
02.30 Сериал «Чак-4»

НТВ

05:00 Информационный канал «НТВ утром».
07:10 Сериал «Возвращение Мухтара» (16+).
09:00 Сегодня.
